



Корхоналарнинг Молиявий Барқарорлигини Таъминлашнинг Инновацион Модели Ва Ундан Фойдаланиш Имкониятлари

Муфтайдинов Бобур Қиёмитдинович

Андижон Қишлоқ хўжалик ва агротехнологиялар институти мустақил изланувчиси

Аннотация: мақолада корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг инновацион модели, ундан фойдаланиш имкониятлари ва йўналишлари қараб чиқилган. Унда мавзунинг долзарблиги ва мавзуга тегишли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари ҳам келтирилган. Соҳага оид тадқиқотлар натижасида эришилган ютуқлар қайд этилган. Бунда корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш учун ишлаб чиқилган “ЎФХММ – модели” ҳамда мавжуд 14 та имкониятларидан фойдаланиш йўналишлари ҳам келтирилган.

Калит сўзлар: барқарорлик, барқарор ўсиш, харажатлар тежамкорлиги, молиявий мустаҳкамлик, ўз маблағлари, фойда, молиявий барқарорлик, молиявий ресурслар, иқтисодий имкониятлар, даромадлар, харажатларнинг камайиши, молиявий салоҳият.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда жаҳон амалиётида корхоналар молиявий барқарорлигини баҳолаш ва таҳлил қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки ушбу масала бўйича, унинг таҳлилини такомиллаштиришга қаратилган илмий ишлар доимий равишда такомиллаштирилиб борилмоқда. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, дунё амалиётида корхоналарнинг молиявий барқарорлигини аниқлаш ва буни кўрсаткичларда ифодалаш бир тизимга келтирилмаган ва турли мамлакатларда ушбу кўрсаткичлар бир-биридан анча фарқ қилади. Бу эса, ўз навбатида, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини тўлиқ баҳолашда бир қатор қийинчиликлар туғдиради.

Мамлакатимизда ҳам корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашга алоҳида аҳамият берилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрда имзолаган «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сонли фармонида “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича ... ҳар йили «Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Барқарор ривожланиш мақсадлари»га мувофиқ амалга оширилиши бўйича таҳлилни жамоатчилик билан биргаликда ўтказиш ва натижаларини эълон қилиб бориш тизимини йўлга қўйсин”¹, деган топшириқ берилган. Бундай барқарорликни таъминлашга қаратилган вазифалар барча соҳаларга дахлдор масалалардан биридир. Ушбу масала бир қанча фармон ва қарорларда ҳам ўз аксини топган. Хуллас, ушбу масала долзарб муаммолардан бири

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги, «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сонли фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон.



сифатида ўз ечимини ҳал қилишни кутмоқда. Ушбу ҳолат мазкур мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ имконият ва йўналишларини ишлаб чиқиш жараёнида мантикий ёндошув, қиёсий ва солиштирма таҳлил, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, замон ва макон усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Жаҳон миқёсида барча давлатларда, шу жумладан мамлакатимизда ҳам корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш масаласи ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки иқтисодиётнинг ривожланишида молиявий барқарорлик таъминланмаса, кўзланган мақсадга эришиш мураккаблашиб бораверади. Жаҳон амалиётида корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш учун унинг қийматини ошириш лозим. Бунинг энг муҳим омилларидан бири корхонанинг молиявий ресурсларидан самарали фойдаланишидир. Ушбу ҳолат корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлашга олиб келади. Шу сабабли унинг молиявий барқарорлигини тавсифлайдиган кўрсаткичлар тизимини шакллантириш, таҳлил қилиш ва молиявий барқарорликни таъминлаш чораларини кўриш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан, мазкур соҳада олиб борилаётган тадқиқотларни таҳлил қилиб, уларни умумлаштирган ҳолда мамлакатимиз доирасида бир қанча илмий натижаларга эришилди.

Биринчидан, корхоналар рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга қаратилган молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари инновацион иқтисодиёт нуқтаи назаридан такомиллаштирилган ҳолда ишлаб чиқилди.

Иккинчидан, корхоналар молиявий барқарорлигининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг таснифи, ҳар бир омилнинг аниқлашиш йўллари, иқтисодий таҳлилнинг аддитив ва мультипликатив усулларидадан фойдаланган ҳолда такомиллаштирилди.

Учинчидан, корхоналарнинг молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини уларнинг молиявий барқарорлиги билан боғлиқ жиҳатларининг мутлақ ва нисбий миқдорларини мувофиқлаштирган ҳолда комплекс кўрсаткични аниқлашнинг аддитив модели ҳам ишлаб чиқилган.

Тўртинчидан, корхоналарда молиявий барқарорликни таъминлашнинг ўз маблағлари (Ў), фойданинг кўпайиши (Ф), харажатларнинг нисбатан камайиб бориши (Х), молиявий мустаҳкамликнинг юқорилиги (М) эвазига молиявий барқарорликни (М) таъминлашга қаратилган “ЎФХММ – модели” ишлаб чиқилди.

Молиявий барқарорликнинг мақсади алоҳида молия муассасаси эмас, балки бутун молия тизимининг барқарорлигини таъминлашдан иборатдир. Шу йўл билан у бутун иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган механизм сифатида намоён бўлади. Шундай қилиб, молиявий барқарорлик деганда, бутун молиявий тизимнинг, яъни молия муассасалари, бозорлар ва бозор инфратузилмалари, иқтисодиётнинг номутаносибликларга бардош бера олиш қобилияти тушунилади. Молиявий тизим таркибига нафақат хўжалик юритувчи субъектлар, балки банклар,



бошқа кредит ташкилотлари ва молия бозорлари, уй хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектлари киради. Булар бир маромда ишлаётган тизим сифатида иқтисодиётдаги иштироки ва унинг ўсиши учун зарур молиявий инвестициялар тақдим этиб, унинг барқарор фаолиятини таъминлайдиган бўлиши лозим. Акс ҳолда нобарқарорлик вужудга келиб, реал иқтисодиётга нохуш таъсир кўрсатиши, кредитлашни издан чиқариши ва кутилганидан зиёд хатарга олиб келиши мумкин. Ушбу ҳолат бандликнинг қисқариши ва иқтисодий фаолликни сусайишига ҳам олиб келади. Демак, молиявий барқарорлик нафақат иқтисодиётга, балки мамлакатнинг ижтимоий ҳаётига ҳам таъсир қилиши мумкин экан.

Қачон молиявий барқарорлик таъминланса, молия тизими иқтисодиёт учун зарур молиявий хизматларни тақдим эта олади. Акс ҳолда молиявий нобарқарорликни юзага келтириши мумкин. Молиявий барқарорлик таъминланмаган жойда бошқа иқтисодиё муносабатларнинг ҳам барқарорлигини таъминлаш бироз қийинлашиб қолади. Бундан кўриниб турибдики, молиявий барқарорликнинг ҳолати бутун иқтисодиётнинг ҳолатига ижобий ёки салбий таъсир қилиши мумкин. Чунки ушбу тизим бир-бирига ўзаро қаттиқ боғланган ҳолда бошқа ташкилотлар фаолиятларига ҳам таъсир қилиши табиий. Молиявий муассасаларнинг умумий фаолияти бутун молия тизими учун хавfli бўлса, шу ердаги молиявий нобарқарорлик эса, бутун иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга ҳам хавф солиши мумкин. Шу туфайли молиявий барқарорликни бир маромда ривожлантириб борилса, турли хавф-хатарлардан холи бўлган молиявий барқарорлик тўлиқ таъминланиши мумкин.

Бугунги рақобат муҳити яхши шаклланган бир паллада, корхоналарда молиявий барқарорликни таҳлил қилиш объектив заруриятга айланди. Бунинг учун барча банк сектори Ўзбекистон молия тизимининг энг муҳим бўғини сифатида барқарор ишлайдиган, барча зарур ҳолларда корхоналарни тегишли маблағлар билан таъминлайдиган бўлишлари лозим. Агар шундай бўлса, мамлакат иқтисодиётида ва унинг ҳар бир бўғинида молиявий барқарорлик тўлиқ таъминланади. Бунинг учун мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки масъул ҳисобланади. Ушбу муассасанинг асосий вазифаси тизимидаги ўзгаришларни кузатиб боришдан, ушбу ҳолатни ўз вақтида баҳолаб тизимли хавфларнинг тўпланишининг олдини олишдан, нобарқарорлик хавфини камайтиришдан иборат. Буни таъминлаш учун молиявий тизимининг барқарорлигини таъминлаш чораларини мунтазам равишда назорат қилиб боради.

Ҳозирги пайтда Марказий банк томонидан яхши ишлар амалга оширилмоқда. Йилига икки марта “Молиявий барқарорлик шарҳи”ни нашр қилиб, фойдаланувчилар ҳукмига ҳавола қилинади. Бунда банк тизимининг барқарорлиги, макромолиявий заифлик ва хатарлар таҳлил қилинади ва баҳоланади. Ушбу шарҳни чоп этишдан ва истеъмолчилар ҳукмига ҳавола қилишдан кўзлаган асосий мақсад – “жамоатчилик хабардорлигини ҳамда бу соҳада Марказий банкнинг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини оширишдан иборат”². Кўриниб турибдики, марказий банклар ҳамда молия тизимини

² <https://cbu.uz/oz/financial-stability/report/>



тартибга солувчи органларнинг асосий вазибаларидан бири молиявий барқарорликни нафақат макро даражада, балки иқтисодиётнинг барча бўғинида амалга оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Бизнинг тадқиқотларимиз мақсади иқтисодиётнинг микро даражасида, яъни корхоналарда молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилганлиги билан ўзига хос хусусиятга эга. Бунинг учун биринчи галда корxonанинг ўз маблағлари (Ў) етарли миқдорда таъминланган бўлиши лозим. Шунингдек, корхона фойдасининг (Ф) ҳам мунтазам кўпайиб боришини таъминлаш лозим бўлади. Шу билан бирга корхоналар харажатларининг нисбатан камайиб бориши ёкм тежалган бўлиши (ΔX) лозим. Харажатлар ҳам ўсиш ёенденциясига эга бўлиши мумкин. Бироқ унинг ўсиш суръати фойда кўрсаткичидан секин ўсганлиги таъминланиши лозим бўлади. Ушбу ҳолат корxonанинг молиявий мустақамликнинг (Мм) юқорилигини таъминлаш имкониятини яратади. Бу эса, корхоналарнинг молиявий барқарорликни (Мб) таъминлаш учун иқтисодий асос бўлиб хизмат қилади. Бу ерда турли кучларнинг бирлаштирилиши, яъни синергетик самаранинг амалга оширилиши кузатилади. Ушбу ҳолатни ўзида мужассам этган модел “ЎФХММ – модели” шаклланади.

Шу тариқа корхоналар молиявий барқарорлигини таъминловчи кучларнинг кетма-кет таъсири натижасида вужудга келган “ЎФХММ – модели” шаклланади. Бунинг математик ифодаси кйидаги кўринишга эга бўлади:


$$M_b = \dot{O} + \Phi + \Delta X + M + M = \sum M_b i ;$$

Бунда: \sum - турли элементларни жамлаш белгиси;

M_b – молиявий барқарорлик кўрсаткичи;

i – молиявий барқарорликни шакллантирувчи элементларнинг тартиб рақами (1 дан 5 гача).


Ушбу моделнинг бир-бири билан боғлиқлиги ва уларнинг кетма-кетлиги куйидаги расмда келтирилган (1-расм).



1-расм. Корхоналар молиявий барқарорлигини таъминловчи кучларнинг кетма-кет таъсири натижасида вужудга келган “ЎФХММ – модели”³

Расмдан кўриниб турибдики, корхоналар молиявий барқарорлигини таъминловчи

³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



кучларнинг синергетик самараси, яъни бирлашган ҳолдаги кетма-кетлигининг таъсири натижасида вужудга келган молиявий барқарорлигини ифодаловчи “ЎФХММ – модели” моҳияти жиҳатидан янги бўлиб, ушбу кўрсаткичларга таъсир этувчи барча омилларни қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир.

Корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун, юқорида таъкидланганидек, ўз маблағлари кўпайиши доимий равишда содир бўлиб туриши лозим экан. Шу йўл билан унинг мулки ошиб боради. Бунга корхонанинг соф фойдасининг ҳам ошиб бориши катта имконият яратади. Чунки ушбу кўрсаткичнинг кўпайиши ҳам корхонанинг молиявий ресурсларининг кўпайишига ва мос равишда барқарорлигининг таъминланишига замин яратади. Бироқ ҳар қандай корхона фаолияти давомида маълум миқдорда харажат қилишига тўғри келади. Корхонанинг харажатлари қанча кўпайиб борса, олинган фойдаси ҳам кутилган самарани бермайди. Шунинг учун имкон қадар харажатларни камайишига эришиш лозим. Бироқ харажатлар ҳам ошиб бориши мумкин. Бир нарсани қайд этиш жоизки, харажатларнинг ошиб бориш даражаси фойданинг ошиб бориш даражасидан кўп бўлмаслиги керак. Бу эса корхоналарда тежамкорлик тамойилига амал қилиб фаолият кўрсатишини тақозо қилади.

Агар юқоридаги ҳолат кутилгандай бўлса, корхонанинг молиявий салоҳияти ошиши рўй беради. Бу унинг тўловга қодирлигини мустаҳкамлаш билан бирга корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини таъминлаш имкониятини ҳам яратади. Агар ушбу жараён доимий равишда давом этадиган бўлса, биз таҳлил қилаётган ҳолатга корхонанинг молиявий барқарорлигига эришилади. Кўриниб турибдики, корхонанинг молиявий барқарорлигига эришиш учун корхона ўз фаолиятини молиявий ресурсларни кўпайтиришдан тортиб, харажатларни тежашгача бўлган босқични тизимли равишда барқарор амалга ошириб боришини тақозо қилар экан. Ушбу мақсадга эришиш учун унинг навбатдаги босқичида корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини таъминлашгача бўлган босқични босиб ўтишини тақозо қилади. Корхона молиявий жиҳатдан мустаҳкам бўлсагина, у молиявий жиҳатдан барқарор ривожланишга эришиши мумкин.

Мазкур мақолада молиявий барқарорликни таъминлашнинг бир йўналишига қаратамиз. Маълумки, молиявий барқарорлик масаласи бугун пайдо бўлган муаммо эмас. Бу масалага оддий халқ ўртасида анъанавий тарзда турли усуллар мавжуд. Халқимизда ҳамиша захирада маблағнинг бўлсин, унинг ҳажмини доимий равишда оз-оз бўлсада ошириб бориш лозимлиги қайд этиб келинган. Ушу тадбирни қўллаганларда ҳеч маҳал ҳамёни бўш бўлиб қолмаган. Шу йўл билан оддий аҳоли ўзининг рўзғорида молиявий барқарорликни таъминлаб келган. Агар ҳамиша захирада маблағингиз бўлса молиявий қарам бўлиб қолмайсиз. Унинг олдини олишда ёрдам берадиган молиявий барқарорликни таъминлайдиган бир қанча усуллар ва вариантлар бор. Буларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Биринчидан, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар (ХЮС)нинг ҳисоб рақамида ва кассасида доимий равишда маълум муддатга ўзининг эҳтиёжини таъминлайдиган маблағ бўлишини тақозо қилади. Агар бордию корхона бирор ноқулайликка учраб, товари сотилмасдан қолса, ёки ишлаб чиқариш тўхтаб қолса ёки бошқа бирорта ноқулай ҳолат рўй берса, маълум муддатга захирадаги маблағлари етадиган бўлиши лозим. Ушбу



маблағни маълум бир муддат давомида коммунал тўловларни, солиқларни тўлаш, корхонани ишга тушуриш учун тегишли маҳсулотлар, хом ашё ва материаллар харид қилиш каби харажатларни бемалол қоплай оладиган бўлиши лозим.

Иккинчидан, ҳар сафар ХЮС оборотига пул тушиб, фойдага эришиб турилса, унинг маълум қисмини захира қилиб боришни, имкони бўлса банкларга депозитга топшириб қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу пул йиғилиб боради ва зарур ҳолларда ишлатиш учун тайёр маблағ ҳисобланади. Шу йўл билан ХЮС молиявий барқарорликни таъминлайдиган захирага эга бўлади. Бу корхонани кредитга мухтож қилмайди ва тасоддиф рўй берган пайтида ҳам молиявий қийинчиликка бирданига учраб, банкрот бўлмайди.

Учинчидан, ҳар сафар олди-сотди жараёни юзага келганда ҳар бир ҳолатни, тушган маблағни ва сарфланган қисмини (қилинган харажатларни) ҳисоб-китоб қилиб бориш лозим бўлади. Агар барча даромадлар билан бирга барча харажатларни ҳам ўз вақтида қайд этиб, уларнинг ҳисоб-китобини тўғри олиб бориш таъминланса, ҳисобот давригача ҳар сафар ҳолатингиз аниқ бўлиб боради. Ҳамиша олинган даромад (Д) қилинган харажатлардан (Х) кўп бўлишлигини таъминлаш лозим бўлади.

Даромадларнинг барча турлари	>	Харажатларнинг ҳам барча турлари
---	---	---

Қаердан қандай даромад қилаётганлиги ва харажатларнинг қай бирининг олдини олиш мумкинлигини таҳлил қилиш натижасида аниқлаб борадиган бўлинса молиявий барқарорлик таъминланиб борилади ва корхонанинг шу тариқа рақобатбардошлиги ҳам ошиб боради.

Тўртинчидан, корхонанда тежамкорлик тамойилини жорий қилиб унга ҳамма бирданига киришиб, ушбу мақсадга эришиб борадиган бўлиши лозим. Бунда асосий эътибор кундалик харажатларни ва даромадларни ҳисоб-китоб қилиб боришни тақозо қилади. Бунда пулни тежашнинг кўплаб усулларини билишни, билмаганларини ўрганишни тақозо қилади. Бунинг учун сотиш учун харид қиладиган товар қанчадан сотилишини олдиндан билиш керак бўлади. Шундагина уни камроқ баҳода харид қилиб, маълум миқдордаги фойдага эришиш мумкин. Айнан шу фойданинг тўпланиб бориши, юқорида таъкидланганидек, корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлайди.

Бешинчидан, корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлашда унинг стратегик режаси ҳам ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Маълум муддатда қандай янги станоклар ёки бошқа жиҳозлар сотиб олиш мумкинлигини олдиндан билиб, унга ҳам алоҳида, умумий жамғарилиб борадиган маблағлардан бошқа маблағ тўплаб борган маъқул. Шунга алоҳида аҳамият бериш лозимки, маблағ бирорта аниқ мақсад учун ажратиб қўйилган бўлиши ҳам мумкин. Муҳими, ушбу маблағларни бошқа мақсадлар учун сарфлаб юбориш таҳдиди мавжуд бўлмаслиги лозим. Ҳар бир сўм маблағ имкон қадар мақсадли ва манзилли ишлатилса, корхонанинг молиявий барқарорлиги узлуксиз таъминланиб боради.

Агар ушбу тамойилга амал қилинса албатта корхонанинг молиявий барқарорлигининг таъминланишига замин яратилган бўлади. Чунки, бунда иккита



сабаби бўлиши мумкин: биринчиси, корхонанинг бюджети моҳирона режалаштирилган ёки қилинган харажатлардан кўра кўпроқ даромад қилинадиган бўлади. Ушбу усул ҳам корхоналар молиявий барқарорлигини мунтазам равишда таъминлаб боради.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур тавсия ва эътирофлар амалиётда қўлланилса, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга ва шу йўл билан унинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Бундай натижалар мамлакатимизда амалга оширилаётган “Ўзбекистон - 2030” стратегик дастурига мос келади ва унинг амалда бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғриси”даги ПФ-4947-сонли Фармони, <https://uza.uz/posts/>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони, <https://uza.uz/posts/>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли фармони, <https://uza.uz/posts/>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПА-4611-сонли қарори, <https://uza.uz/posts/>

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги “Давлат иштипрокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1013-сонли қарори. <https://uza.uz/posts/>

6. Абдукаримов И.Т, Абдукаримова Л.Г., Смагина В.В. Анализ финансово-хозяйственной деятельности предприятия. Учеб. Пособие. – Томбов: Изд-во ТГУ им. Г.Р.Державина, 2005. – 600 С.

7. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. – Т.: “Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи”, 2022. - 588 бет.

8. Пардаев М.Қ., Пардаева Озода, Пардаев Обид. Иқтисодиётни стратегик ривожлантиришнинг инновацион моделлари. Монография. – Т.: “Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи”, 2022. – 228 бет.

9. Савицкая Г.В. Комплексный анализ хозяйственной деятельности пред-приятия. Учебник. 6 – е изд. перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2014, - 607 стр.